

**УДК: 635, 655: 6363:631,51**

**КУНГАБОҚАРГ ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ  
САМАРАДОРЛИГИ**

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти

**Луков М.К., Эргашев Ж. Ш.**

Президент Ш. М. Мирзиёев томонларидан Республика аҳолисининг истеъмоли учун ишлатиладиган ўсимлик мойига бўлган зҳтиёжни тўлиқ таъминлаш ва бу маҳсулотни экспорт даражасига кўтариш мақсадида бир неча марта қарорлар ва фармойишлар қабул қилинди.

Ер юзи аҳолиси, турли ўсимликлар соя, рапс, кунгабоқар, кунжут, майли зифир, маҳсар, ер ёнғоқ, ғўза чигити, зайтун, майли палма ва кокоснинг мойини истеъмол учун ишлатишади. Бу борада майли экинлар биологиясининг ўстириш шароитига боғлиқлиги (ташқи омилларга таъсиранчилиги) инобатга олинади. Майли экинлардан кунгабоқар майдони ва маҳсулотининг ишлатилиши бўйича асосий ўринларда туради. Мой олиш мақсадида ўстириледиган кунгабоқарнинг ер юзидаги майдони 28млн га., ўртacha ҳосилдорлиги .14-15 ц/га., мутлоқ қуруқ уруғидаги мой миқдори 55-56%. Бу маҳсулот табиий тоза хисобланади, таркибида одам организми учун енгил ўзлаштириледиган табиий фаол моддалар. А,Б,Д,Е, витаминалар ва супермикроэлемент Селин мавжуд. Кунгабоқардек самарали майли экини топиш қийин.

Республика шароитида кунгабоқар асосий (эртаги ) экин сифатида ўстирилса гектаридан 3,0-3,2 тонна уруғ ҳосил ёки ундан 1,4-1,5 тонна мой олинади 900 кг. шрот, (ундан 400 кг оқсил), 560 кг кунгабоқар пистаси пўчоғи (ундан 70 кг ачитқи моддаси) улардан ташқари 1600 кг саватча, гуллаш фазасида асаларилар ёрдамида 40 кг. асал ва бошқа кўп фойдали моддалар олинади. Россиянинг илғор хўжаликларида 100 кг. уруғ ҳосил етиштириш учун 0,6-0,8соат иш кучи сарфланади. Қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган умумий майдоннинг 7-9% ни кунгабоқар экилган майдон ташкил этса, бу хўжаликда барча экинлардан олинадиган умумий даромаднинг 25-35% и кунгабоқардан олинади.(.Васильев Д.С 1983)

Кунгабоқар селекцияси ва ўстириш технологияси бўйича фаолият курсатган таниқли олимлар Пустовойт В.С./1973/ Анашенко А,В ./1991/ Гаврилова В.А. 2003/ / таъкидлашича бир хил тупроқ -иклим шароитда ва бир хил агротехнологик усулда ўстирилган кунгабоқарнинг янги янги навлари

экилиб келинаётган навларига нисбатан, 20-25 % ва гетерозисли дурагайлари 35-40% қўшимча ҳосилдорликка эга бўлади.

Ҳосилдорликнинг ошиш билан иқтисодий самарадорлик курсаткичлари:- майдон ҳисобидан олинадиган соф даромад ва рентбеллик даражасининг ошиши бевосита бир-бири билан боғлиқдир. (Луков М.К., Пардаева О.М. 2016)

**Тадқиқот обьекти ва методлари.** Даля тажрибалари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ўқув тажриба хўжалигидаги ўтлоқи бўз тупроқли ерларда ўтказилди. Ишлаб чиқариш нав синови мисолида барча нав ва дурагайлар учун хўжаликда қабул қилинган бир хил:- ўғитлаш, суғориш ва туп қалинлиги бир хил бўлиши таъминланди. Даля тажрибасида обьект сифатида мойли кунгабоқарнинг Жаҳонгир ва СамҚХИ 20-80 навлари ва Лучаферул, Машъал F<sub>1</sub>, дурагайлариниг биринчи реродукцияли уруглигидан фойдаланилди. Андоза сифатида таққослаб ўрганиш учун кўп йиллардан буён экилиб келнаётган Жаҳонгир нави, дурагайни таққослаш учун Лучаферул дурагайидан фойдаланилди. Тажриба майдонида кузатиш ва ҳисоблашлар ҳамда иқтисодий самарадорлик курсаткичларини таҳлил қилиш ишлари Бутунrossия мойли экинлар илмий тадқиқот институти ва Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти (2010) усулларида бажарилди.

Тадқиқотчи М.К.Луковнинг мълумотлари бўйича 2015-2017 йилларда Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ўқув тажриба хўжалгида асосий экин сифатида ўстирилган кунгабоқар ҳар хил навлари ва дурагайларининг иқтисодий самарадорлик курсаткичлари таҳлил қилинди. Ўрганилган маълумотлар кўрсатишича янги навлар ва дурагайлар ҳосилдорлиги ҳар хил бўлди (1жадвал). Мойли кунгабоқарнинг СамҚХИ 20-80 нави (31,4 -32,7 ц/га) дан Жаҳонгир (андоза) нави (27,1-28,1 ц/га) га нисбатан 4,3-4,6 ц/га юқори ҳосил олинди. Экилиб келинаётган Лучаферул (андоза) дурагайи (32,7-33,5) га нисбатан, Машъал F<sub>1</sub> дурагайи (36,8-38,7 ц/га) дан 4,1 - 5,2 ц/га ва Жаҳонгир (андоза) нави (27,1-28,1 ц/га) га нисбатан 9,7-10,6 ц/га қўшимча ҳосил олинди. Бундан ташқари кунгабоқарнинг навларига нисбатан дургайларидан катта микдорда, яъни 37,1-39,5 центнергача ҳосил олиш мумкинлиги аниқланди.

Иқтисодий самарадорик курсаткичларини таҳлил қилиш учун 2016-2017 йиллар 1 гектар майдонда ўстирилган Лучаферул дурагайидан 32,7-33,5 ц/га ҳосил етиштириш учун сарфланган 3885000-4250000 сўм умумий харажатга асосан бошқа навларнинг иқтисодий самарадорлик курсаткич (ялпи

даромад, соф даромад, 1 ц маҳсулот таннархи ва рентабеллик даражаси) лари аниқланди. Қўшимча ҳосилни йигиштириш учун сарфланган харажатлар (1 центнер учун 5 минг сўм) қўшиб ҳисобга олинди

Кунгабоқрнинг навларига боғлиқ ҳолда ҳосилдорликнинг ўзгариши билан умумий харажатлар ва бошқа самадорлик курсаткичлар миқдори ҳам ўзгарди..

Умумий харажатлар таркибининг асосий қисми иш ҳаққи учун 50-52%, ундан кейинги энг кўп харажат ўғитлаш учун 20-21% ва ёнилғи ва мойлаш материаллари учун 12-13% сарфланганлиги ва энг кам харажат уруғлик учун атиги 0,6-0.7% сарфланганлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки 2015 йил маълумотларига нисбатан 2016 ва 2017 йилларда самарадорлик маълумотлари кўрсаткичларининг бирданига ўзгариши кузатилади, яъни бир гектардан олинган соф даромад ҳамда рентабеллик даражасининг ўзгаришига сабаб 2016 йилдан бошлаб 1 центнер кунбоқар маҳсулоти харид нархининг 1,-2,5 баравар ошиши билан боғлиқ бўлди. 2016-2017 йилларда энг кўп соф даромад 5302700-6303500 сўм ва рентабеллик даражаси 136-148%. Машъал F<sub>1</sub> дурагайидан олишга эришилди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига 2015 йил киритилган СамҚҲИ 20-80 навидан 2017 йил катта миқдорда яъни гектаридан соф даромад 5074500 сўм олишга ва рентабеллик даражаси 119% бўлшга эришилди.

**Хуноса:** Самарқанд вилоятининг фермер хўжаликлари кунгабоқардан юқори ҳосил ва иқтисодий самарадорликка эришиш учун кунгабоқарнинг СамҚҲИ 20-80 нави ва Машъал F<sub>1</sub> дурагайини асосий экин сифатида экиш мақсадга мувофиқ

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Аманова М., Рустамов А. Мойли экинлар жаҳон коллекциясини ўрганиш бўйича услубий қўлланма // Тошкент 2010
2. Васильев Д.С Агротехника подсолнечника М. Колос 1983 197.с.
3. Луков М. К., Пардаева О.М. –Озиқ овқат хавфсизлигини таъминлашда кунгабоқарнинг навларини инновацион технологиялар асосида яратиш масалалари “СЕРВИС” журнали 2016 й. 3 сон 15-19 бетлар
4. Луков М.К. Ўзбекистоннинг сугориладиган шароитида кунгабоқар етиштириш технологияси селекцияси ва уруғчилиги //монография/ с.2013 б.108